

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил ноябрь ойининг 01 куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди ўз биносида, очик суд мажлисида, судья А.А.Жабборов раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Норбаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Бухоро шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси И.Рахимов, таржимон О.Рахматовнинг қатнашувида, судланувчи М.Мамедов ва унинг-ҳимоячиси В.Ҳайитовларнинг иштирокида, судланувчи Мамедов Муҳаммет Ягмеровичга нисбатан 1-2001-2403/614-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Мамедов Муҳаммет Ягмерович /Mamedov Muhammet Yagmerovich/ – 22.06.1991 йил Туркменистон Республикаси Лебап вилояти Туркманобод шаҳрида туғилган, миллати туркман, Туркменистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, Туркменистон Республикаси Лебап вилояти Туркманобод шаҳри Кўктепа кўчаси 30-уй 26-хонадонда яшовчи, жиноят иши бўйича 21.08.2024 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 227-моддаси тартибида ушланган, унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 23.08.2024 йилдаги ажримига асосан «қамокқа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судидан 10.10.2024 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 223-моддаси 1-қисми билан айбланган;

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, тарафларнинг музокаралари, судланувчининг ҳимоя, музокара ва охириги сўзларини эшитиб, дастлабки ва суд терговидан аниқланган, ўз тасдиғини топган далилларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**



Судланувчи Мамедов Муҳаммет Ягмерович қасдан жиноят содир этиш йўлига ўтиб белгиланган тартибни бузиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтканликда ифодаланган жиноятни содир этган.

Жумладан, у Туркменистон Республикаси фуқароси бўла туриб, 2024 йил 21 август куни соат 10:20 ларда Туркменистон Республикасидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пиёда ҳаракатланиб, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 13 сентябрдаги 868-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги қонунининг 35-моддаси талабларига хилоф равишда, белгиланган тартибни бузиб, чегара назорат ўтказиш масканларини четлаган ҳолда, Бухоро вилояти Олот тумани «Арабхона» м.ф.й ҳудудида жойлашган 5-чегарани кўриқлаш взводининг 31-32-чегара участкалари оралиғидаги «Туркменистон-Ўзбекистон» давлатлари чегара сим тўсиқлари остидан Давлат чегарасини пиёда кесиб ўтиб, ушбу ҳудуддан ўтган халқаро М-37 йўлининг 98 км қисмида пиёда ҳаракатланаётган вақтида, мазкур ҳудудда хизмат олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси ДХХ ЧҚ 9204-сонли ҳарбий қисмнинг 5-«Олот» чегара кўриқлов взводи чегара нарядлари томонидан тўхтатилган ва унга нисбатан Давлат чегарасини бузганлиги юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси ДХХ ЧҚ 9204 ҳарбий қисмнинг 24.08.2024 йилги маълумотномасига кўра, фуқаро М.Я.Мамедовни 01.01.2020 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслиги аниқланган.

Судланувчи Мамедов Муҳаммет Ягмерович юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган.



Судда, судланувчи М.Мамедов, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2024 йил 20 август куни соат тахминан 21:22ларда яшаш манзили яъни Туркменистон Республикаси Лебап вилояти Туркманобод шаҳри Гўктепа кўчаси 30-уй 26-хонадондан чиқиб, Ўзбекистон Республикасига саёҳат қилиш мақсадида йўлга чиққанлигини, 2024 йил 21 август куни соат тахминан 05:06 ларда Туркменистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг сим тўсиқларининг дастлаб устидан кейин сим тўсиқнинг остини қазиб пиёда ўтганлигини, сим тўсиқлардан кейин ариқдан ҳам сузиб ўтиб, чегара бўйи ўнг томонга қараб юрганлигини, бироқ у тарафда йўл кўринмаганлиги ва узоқда одамлар кўринганлиги сабабли, ортга қараб юрганлигини, шу вақти уни чегара наряддагилар кўриб чақиришганликларини, у уларга йўл тарафга кетаётганлигини айтиб, улар тарафга бормаганлигини, соат тахминан 10:00лар атрофида ушбу ҳудуддан ўтган халқаро М-37 йўлининг 98 км қисмида пиёда ҳаракатланаётган вақтида, мазкур ҳудудда хизмат олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси чегара кўриқлов взводи чегара нарядлари томонидан тўхтатилганлигини ва унга нисбатан Давлат чегарасини бузганлиги юзасидан тегишли хужжатлар расмийлаштирилганлигини, айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.



Суд мажлисида, гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Сатторов Илёсжон Ислонжон ўғли ўз кўрсатувида, 2024 йил 21 август куни соат 08:30ларда 5-Чегарани кўриқлаш взводи жавобгарлик соҳасининг ўнг қанотида хизмат ўтаётган кузатув пости чегара наряди каттаси А.Дехқонов томонидан назорат изи йўлагиди Туркманистондан Ўзбекистон Республикасига одам изи борлигини аниқлаб чегарани кўриқлаш взводи командири Н.Хидиров ва алоқа бўйича навбатчисига хабар берилган кейин Кўриқлаш взводи командири томонидан берилган «куроллан» ишорасига асосан, 3-тўсиқ гуруҳи каттаси майор А.Н.Абишев билан биргаликда, ҳаракатланганлигини, Халқаро тоифадаги М-39 йўлининг 98 кмдаги чегара кўриқлаш взводи ўнг томони ёпишда иштирок этганлигини, соат 10:20лар атрофида бир нафар қизил рангли футболка кийиб олган, унга номаълум бўлган шахсни улар томонга ҳаракатланиб келаётганлигини кўрганлигини ва 3-тўсиқ гуруҳи таркиби билан уни ушлашда иштирок этганлигини, унга «тўхта» ишораси берилганидан сўнг муддатли ҳарбий хизматчи оддий аскар Х.Файзуллаев билан уни бориб ушлаганликларини, шундан сўнг, у билан майор А.Абишев қисқа сўроқ ўтказганлигини, сўровдан кейин, 9204 ҳарбий қисм командири подполковник Д.Пардаевнинг кўрсатмасига асосан, 3-тўсиқ гуруҳи таркибида Олот автотўли ХўПдаги давлат чегараси бузғунчиларини вақтинчалик сақлаб туриш хонасига олиб борганликларини, кейинчалик Туркманистон фуқароси М.Я.Мамедов холислар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтган Бухоро вилояти Олот тумани «Арабхона» м.ф.й ҳудудида жойлашган 5-чегарани кўриқлаш взводининг 31-32-чегара участкалари оралиғидаги «Туркманистон-Ўзбекистон» давлатлари чегара сим тўсиқлари остидан, қумни очиб, Давлат чегарасини пиёда кесиб ўтган ҳамда ушланган жойини кўрсатиб ўтганлигини, ҳолат фотолавларга муҳрланганлиги ҳақида баён қилган.

Жиноят иши бўйича судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Файзуллаев Хумойиддин Тўлқин ўғли ҳам айнан гувоҳ Сатторов Илёсжон Ислонжон ўғлининг суддаги кўрсатувларига ўхшаш кўрсатувлар берган.

Суд, судланувчи М.Мамедов конунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қиришда ифодаланган жиноятни содир қилганликдаги айби, унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, хабарнома, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг бузилиши ҳақидаги баённома, давлат чегара бузувчиси ушланган жойни кўздан кечириш ва текшириш тўғрисидаги баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, тушунтириш хатлари, суд психиатрия экспертизаси ҳулосаси, гувоҳларнинг дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида берган кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.



Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Мамедовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги 9-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Пленум Қарорининг 3-бандида «Жиноят Кодекси 223-моддасининг биринчи қисми диспозицияга кўра, мазкур жиноят қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш ёки қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтишда ифодаланган бир ёки бир неча ҳаракатлар кўринишида содир этилиши мумкин.

Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш деганда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг белгиланган ўтказиш пунктлари орқали (Қонуннинг 12-моддаси), бироқ белгиланган ҳужжатларсиз ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган тегишли рухсатномасиз кесиб ўтилиши тушунилиши лозим.

Қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтиш деганда, жумладан, ҳақиқий ҳужжатлар ва кириш чиқишга рухсатнома бор-йўқлигидан қатъий назар, унинг белгиланган ўтказиш пунктларидан ташқари жойдан кесиб ўтилиши тушунтирилиши лозим»лиги назарда тутилган.

Жиноят иши ҳужжатлари ҳамда судда аниқланган ҳолатларга кўра судланувчи М.Мамедов Туркменистон Республикаси фуқароси бўла туриб,

2024 йил 21 август куни соат 10:20 ларда Туркменистон Республикасидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пиёда ҳаракатланиб, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 13 сентябрдаги 868-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги қонунининг 35-моддаси талабларига хилоф равишда, белгиланган тартибни бузиб, чегара назорат ўтказиш масканларини четлаган ҳолда, Бухоро вилояти Олот тумани «Арабхона» м.ф.й ҳудудида жойлашган 5-чегарани кўриқлаш взводининг 31-32-чегара участкалари оралиғидаги «Туркменистон-Ўзбекистон» давлатлари чегара сим тўсиқлари остидан Давлат чегарасини пиёда кесиб ўтиб, ушбу ҳудуддан ўтган халқаро М-37 йўлининг 98 км қисмида пиёда ҳаракатланаётган вақтида, мазкур ҳудудда хизмат олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси ДХХ ЧҚ 9204-сонли ҳарбий қисмнинг 5-«Олот» чегара кўриқлов взводи чегара нарядлари томонидан тўхтатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 3-бандида, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тушунтирилган.

Суд, судланувчи М.Мамедовга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолаб, унинг шахсини, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 7-моддаси «Инсонпарварлик принципи» ҳамда 8-моддаси «Одиллик принципи» талабларига риоя қилган ҳолда унга нисбатан, Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

Судланувчи Мамедов Муҳаммет Ягмерович /Mamedov Muhammet Yagmerovich/ Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Мамедов Муҳаммет Ягмеровичга ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 10 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо манзил-колонияларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 21 август кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Унга нисбатан қўлланилган «қамоқа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 10 /ўн/ суткалик муддат ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди орқали Бухоро вилоят судига апелляция шикоят, прокурор апелляция протести, ҳукм қонуний кучга киргач кассация шикоят, прокурор кассация протести келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

**Раислик қилувчи**  
**Нусхаси аслига тўғри**

**/имзо/**

**А.А.Жабборов**



**Маъсул судья: Жабборов Акбаржон Амруллоевич**



Хужжат имзоланган: Жабборов Акбаржон Амруллоевич, 06.11.2024

